




«МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ИСЛОМ МАДАНИЯТИ
ВА САНЪАТИ: ЎТМИШ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН»

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ МАРКАЗИ

ИСЛОМ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ
ИСЛОМ ТАРИХИ, МАДАНИЯТИ ВА САНЪАТИНИ
ТАДҚИҚ ҚИЛИШ МАРКАЗИ - IRCISA



**«МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ИСЛОМ
МАДАНИЯТИ ВА САНЪАТИ:
ЎТМИШ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН»**



ISBN 978-9943-5923-9-1



*«Бухоро – ислом маданияти пойтахти»
номли форуми доирасида ўтказилган халқаро
онлайн конференция материаллари*

28-29 май 2020 йил

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ МАРКАЗИ
ИСЛОМ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ
ИСЛОМ ТАРИХИ, МАДАНИЯТИ ВА САЊАТИНИ
ТАДҚИҚ ҚИЛИШ МАРКАЗИ - IRCISA

“МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ИСЛОМ
МАДАНИЯТИ ВА САЊАТИ:
ЎТМИШ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН”

“Бухоро – ислом маданияти пойтахти”
номли форуми доирасида ўтказилган халқаро онлайн
конференция материаллари

28-29 май 2020 йил

II

«Ўзбекистон халқаро ислом академияси»
нашриёт-матбаа бирлашмаси
Тошкент – 2020

УЎК: 28(5-191.2)

КБК: 86.38(54)

М 28

Марказий Осиёда ислом маданияти ва санъати: ўтмиш ва ҳозирги замон [Матн] . – Тошкент : Ўзбекистон халқаро ислом академияси нашриёти, 2020. – 454 б.

УЎК: 28(5-191.2)

КБК: 86.38(54)

Масъул муҳаррирлар:

Қосимов Р.С.

Исломов З.М.

Агзамходжаев С.С.

Таҳрир ҳайъати:

Ш.Ёвқочев, Б.Мамадиев, И. Усмонов, А.Ҳасанов, Н.Мухамедов,
М.Алимова, Д.Максудов, А.Аширов, И.Бекмирзаев, Д.Муродов,
А.Аллакулов, Н.Насруллаев, Т.Хатамов, Ш.Тоҳтиев, Н. Хидирова,
С.Саиджалолов, Р. Исоқжонов, Ж. Тоҳиров, Ж.Каримов,
И. Гафурова, Д.Нишонова

Ушбу тўплам Ўзбекистон халқаро ислом академияси, IRCICA - Ислом тарихи, маданияти ва санъатини тадқиқ этиш маркази ва Ўзбекистон ислом цивилизация маркази билан ҳамкорликда 2020 йил 28-29 майда ўтказилган “Марказий Осиёда ислом маданияти ва санъати: ўтмиш ва ҳозирги замон” халқаро онлайн конференция материалларини ўзида мужассам этган. Тўпламда республикамиздаги олий ва ўрта-маҳсуе таълим муассасаларида фаолият олиб боровчи профессор-ўқитувчилар, таниқли олимлар, исломшунос, диншунос, шарқшунос, манбашунос, тарихчилар, архитекторлар, санъат ва маданият вакиллари, шунингдек, ёш илмий тадқиқотчиларнинг илмий изланишлари асосида ёзилган мақолалар жамланган.

Тўплам манбашунос, исломшунос, тарих, санъат ва маданият соҳаларида фаолият олиб бораётган илмий тадқиқотчилар, профессор-ўқитувчи ва педагогларнинг илмий-амалий фаолиятларини самарали ташкил этишда муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилади. Тўпламга киритилган мақолаларда келтирилган сана, рақам, факт ва бошқа маълумотлар учун мақола муаллифлари жавобгардир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг № 4246-сон хулосасига асосан тайёрланди.

ISBN 978-9943-6528-5-9

© «Ўзбекистон халқаро ислом академияси»
нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2020.

МУНДАРИЖА

Қосимов Р.С.	7
Миноваров Ш.Ш.	9
II ШУЪБА: МАРКАЗИЙ ОСИЁ МУТАФАККИРЛАРИ ИЛМИЙ МЕРОСИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ	
Махмудов Ф.М. «Мукаддимаг ал-Адаб» - новооткрытый письменный памятник начала XIV в. Национальной библиотеки Узбекистана.....	11
Нажмиддинов Э.Х. Ибн Қози Симовуна (Шайх Бадруддин) ва унинг фикхий асарлари.....	20
Мухаммадаминов С.А. Бухоро амирлигида яратилган жўнглар хусусида айрим мулохазалар.....	26
Аллоқуллов А.А. Мотуридийлик таълимотининг худудий тарқалишида Абу Ҳафс Насафийнинг “Ақоид” асари аҳамияти.....	32
Бекмирзаев И.И. Марказий Осиёда ислом дини минтақавий шаклининг таркиб топиши.....	43
Аҳмедов Б.А. “Ал-Ҳидоя” асарининг энг қадимий нусхалари.....	53
Муродов С.А. Ибн Сино ва Фаридуддин Аттор гоъларисидаги муштараклик.....	58
Исоқжонов Р.Р. Ибн Сино теологиясини ўрганишда илмий манбалар.....	63
Санджалолов С.С. XI-XII асрларда Хоразмлик фақиҳлар фаолияти.....	70
Жамалов С.К. Бурҳониддин ал-Маргинонийнинг “Ал-Ҳидоя” асарининг Абдулҳай ал-Лакнавий асарида ифодаланиши.....	75
Бафъаева Г.Х. Имом Доримий ҳаёти ва ижодини ўрганиш – давр талаби.....	80
Butoyev I.U. Markaziy Osiyoda yetishib chiqqan mutaffakir Abu Mansur Moturidiy ilmiy merosini o'rganishning dolzarbligi.....	87
Мамашуқуров Б.Б. Ифтихориддин Аҳмад ибн Тохир – Бухоро фақиҳлар сулоласи вакили.....	93
Махаммадходжаев Б.Ҳ. “Кофия” – араб тили грамматикасига онд нодир манба.....	101
Рахимова Н.К. “Авроди Нақшбандия” асарининг Марказий Осиё халқлари ҳаётида тутган ўрни.....	105

бериб, қуръон тафсирини тушуниш учун албатта наҳв асосий ўрин тутишини, бунда «Кофия» китоби жуда ҳам муҳим ҳисобланишини таъкидлаган. Чунки наҳвни ўзлаштирамай тафсирни тушуниш қийиндир.

«Кофия» асари анъанавий тарзда Аллоҳга ҳамду санолар ва пайгамбаримиз (с.а.в)га саловату саломлар билан бошланган. Сўнгра «калма», яъни сўзга таъриф бериш билан араб тилидаги сўз туркумлари ва уларнинг турлари қуйидагича баён қилинган: сўз бирор нарса ёки ҳодисани аташ туфайли пайдо бўлади, яъни бир маънонигина ифодалайди ва мана шу сўз уч қисмга бўлинади ва улар қуйидагилардир: исм, феъл ва ҳарф. Ушбу сўз туркумларига мансуб бўлган сўзлар бирор маънони англатиши ёки англатмаслиги мумкин¹⁶². Бу ерда олим исм ва феъл сўз туркумига мансуб сўзлар ўзлари алоҳида келганида ҳам маъно англатиши, ҳарф сўз туркумини ташкил қилувчи кўмакчи, юклама ва боғловчилар эса, ўзлари алоҳида ҳеч қандай маънога эга эмаслигини назарда тутган.

«Кофия»да араб тилидаги сўз туркумларига қисқача таърифдан сўнг ҳар бир сўз туркумига алоҳида тўхталиб, улар ҳақидаги тўлиқ маълумотлар баён қилинган ва бу исм сўз туркумининг таърифи билан бошлаган. Ўрб масалалари давомида Ибн Ҳожиб исмларнинг сон категориясини ҳам баён этиб, уларнинг келишиklarини таҳлил этган. Ибн Ҳожиб эса «Кофия»да исм ва феъл ўрбини бир мавзу ичида ёритмай уларни алоҳида таҳлил қилган ва феълларни тусланишини «Феъллар» бобида баён қилган.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, асарда исмнинг барча белги, хусусиятлари, ўрб, жинс, сон ва келишик категориялари тўлиқ таҳлил қилинган, феъл сўз туркумини ёритишдан аввал олим ўзининг фикрларини баён қилган.

Наҳв илмида битилган бу асар тенги йўк ва нодир асар ҳисобланади. Ҳозирги кунда ҳам юртимиздаги барча диний таълим муассасаларида мазкур асарни чуқур ўрганишга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Араб тилининг нозик жиҳатларини ўзида мужассам этган мазкур асарни ўрганиш араб тилини эндигина ўрганаётганлар учун ниҳоятда зарур.

РАХИМОВА Нодира Кадировна.

Бухоро давлат университети

“Ўзбек тилшунослиги” кафедраси ўқитувчиси

¹⁶² Рустамжон Раҳматулло. Ал-Кофия. – Т.: “Шарк” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, 2014. – Б. 8.

“АВРОДИ НАҚШБАНДИЯ” АСАРИНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ ҲАЁТИДА ТУТГАН ҶУРНИ

***Аннотация:** Не секрет, что самой большой мистической сектой в Центральной Азии, появившейся в XIV веке, является секта Накибанди. Эта секта связана с именем Ходжа Мухаммеда Бахауддина Накиббанда. Первоначальная доктрина секты звучит так: «Дил ба йор-у, даст-ба кор», то есть «Всегда Аллах был в сердце а руки в работе». Хазрат Шейх Бахауддин Накиббанд, наряду с методами тайного воспоминания, создал целостную работу, описывающую язык прозы, основанную на именах «вирдов» - создателей, которых нужно повторять в сердце. Данная статья посвящена раскрытию духовной и просветительской сути этой работы Хазрата Бахауддина Накиббанда «Авроди Накиббандия».*

***Ключевые слова:** «Аврод», вирд (источник), зикр (упоминание, прославление Аллаха), суфий, мистик, калиф, пир муришуд(наставник), совершенный человек.*

***Annotation:** It is no secret that the largest mystical sect in Central Asia appeared in the XIV century - the Naqshbandi sect. This sect is associated with the name of Hoja Muhammad Bahauddin Naqshband. The original doctrine of the sect is "Dil ba yor-u, dast-ba kor" - that is, "Always have your heart in Allah and your hands in work." Hazrat Sheikh Bahauddin Naqshband, along with the methods of secret remembrance, created a coherent work, describing the language of prose prayers based on the names of the "virdas" - the creators, which must be repeated and engraved in the heart. This article is dedicated to revealing the spiritual and enlightenment essence of this work of Hazrat Bahauddin Naqshband "Avrodi Naqshbandiya".*

***Key words:** "Avrod", vird, zikr, Sufi, secret, caliph, piri murshid, perfect man.*

Маънавий кадрятлар асосини энг аввало Ислом дунёсида машхур саналмиш, Бухоройн Шарифнинг азиз ва мўътабар авлиёлари етти пирлар Хожа Абдухолик Гиждувоний, Хожа Ориф Ревгарий, хожа Махмуд Анжир Фагнавий, Хожа Али Ромитаний (Хожайн Азизон) Хожа Мухаммад Бобойн Самосий, Саййнд Амир Кулол ас-Сухорий, Хожа Мухаммад Баҳоуддин Нақшбанд хазратларининг ҳалол-пок ҳаёт йўллари ва уларнинг мероси ташкил қилади. Ушбу авлиёлар халқ тажрибаси ва донишмандлигида мужассам этган бой маънавий-ахлоқий кадрятларни

англаб етишга эришдилар. Буюк донишмандларнинг ушбу ютуқлари нафақат бугунги кун талабларига жавоб беради, балки комил инсоннинг, жамиятда инсонпарварликнинг ривожланиши жараёнларини бевосита рағбатлантиради. Демак Шарқ мутасаввуфлари қарашлари ҳозирги вақтда баркамол авлодни тарбиялаш учун зарур бўлган инсон, унинг ҳаётининг мазмуни ва оламда тутган ўрни тўғрисидаги билимлар манбаидир.

Маълумки, Баҳоуддин Нақшбанд-асли исмлари Муҳаммад ибн Муҳаммад Жалолиддин бўлиб, Хожани Бузург (улуғ Хожа) Шоҳи Нақшбанд, Ҳазрат Баҳоуддин, Баҳоуддин балогардон номлари билан жаҳонга машҳурдирлар. Авлиёлар султони “Силсилаи шариф”даги ўн олтинчи ҳалқанинг пирини муршиди ҳисобланадилар.

Ҳазрат Баҳоуддин 1318 йилда Бухоро яқинидаги Қасри Ҳиндувон қишлоғида туғилганлар.

Ҳазрат Баҳоуддин она томонидан сиддиқийдурлар, яъни насаблари Абу Бакр Сиддиққа бориб тақалади. Ҳазрат Баҳоуддин Бобойи Самосий, Саййид Мир Кулол, Қусам Шайх, Халил ота, Ориф Деғтероний, Баҳоуддин Қишлоқийлардан сабоқ олганлар. Ҳазрат Баҳоуддин увайсий бўлиб, Хожа Абдухалиқ Гиждувоний руҳларидан таълим олганлар.¹⁶³

У зот дунёга келган хонадон эгалари, айниқса, оналари ва боболари аҳли илмга, аҳли тасаввуфга ўта ихлосманд одамлардан бўлганлар. Шунинг учун улар ёш Муҳаммад Баҳоуддинни ёшлигиданоқ саводини чиқариш учун Бухородаги номдор мударрислардан бирининг қўлига топширдилар. Ўша даврда Ислоҳ маданияти маркази сифатида шуҳрат қозонган Бухородаги илмий ва диний муҳит Баҳоуддинга катта таъсир кўрсатгани боис у бутун вужуди билан илм олишга киришиб кетди. Тез орада Аллоҳ берган ақл, идрок, зеҳн, кучли хотира, мустаҳкам ирода каби худодод (мавоҳиб) туфайли Қуръонни ўқий оладиган, форс тилида ёзилган асарларни мутолаа қила оладиган ва натижада Қуръондаги намоз ўқиш учун керак бўладиган кичик-кичик суралардан бир нечтасини ёд олишга ва “Фарзи айн” номли (мусулмонлар билиши зарур бўлган таълимотлар тўплами, форс тилида) китобнинг мазмунини ўзлаштириб олишга муваффақ бўлади. Бундан ўта хурсанд бўлган бобо набирасини ўша даврнинг бузрук пирини муршиди, Хожагон тариқати раҳнамоси Хожа Муҳаммад Бобойи Саммосийнинг эшигига етаклаб борди. Устоз Бобойи Саммосий (қ.с) янги шогирдини солиқ Муҳаммад Баҳоуддинга

¹⁶³ Садриддин Салим Бухорий. Баҳоуддин Нақшбанд ёки етти пир. Тошкент, “Наврўз”. 2017. 34-35 бетлар.

сўфийликнинг йўл-йўриклари, таълимотлари, тариқатнинг тартиб-қоидалари ва одоблари, солиқнинг бурч-вазифалари ҳақида илк сабоқларни бера бошлади.

Бир муддат ўтганидан сўнг устоз Баҳоуддинни тарбия қилиш ва унга тасаввуфнинг назарий, амалий таълимотларини чуқур ўргатиш вазифасини ўзларининг энг истеъдодли халифаларидан бири Хожа Саййид Амир Кулол (қ.с) га топширдилар.

Хожа Баҳоуддин Накшбандий ёшликларидан оталари билан бирга ишлаб матоларга нақш қилиш (гул тушириш) билан машғул бўлган бўлсалар, оталаридан сўнг ўз ерларида деҳқончилик қилиб яшаганлар. У зот икки марта муборак ҳаж сафарига борганлар.

Баҳоуддин Накшбандий жуда кўп шаҳарларда бўлганлар, жумладан, Макка, Мадина, Нишопур, Ҳирот, Марв, Самарқанд, Насаф. Лекин қаерда бўлмасинлар, ҳамма жойда Қуоъони Карим ва ҳадиси шарифнинг кўрсатмаларини халққа етказмоқ, бидъатдан эл онгини покиза этмоқ учун саъй-ҳаракат қилганлар.

Накшбандия таълимотича, “Нақш банд бар дил банд”, яъни кўнглинда Аллоҳ таоло зикрини нақш айла демакдур. Демак, нақшбанднинг мазмуни юракда Аллоҳ номини нақш айлаш ҳисобланади.¹⁶⁴ Шайх Хожа Баҳоуддин нафақат муридлар тарбия қилиш билан балки, бўш вақтларида китоблар таълиф қилиш билан ҳам машғул бўлганлар. “Чаноқ қалъа”(1909), “Бухоройи шариф”(1912), “Шўро” (1914), журнал ва газеталаридаги маълумотларга қараганда, буюк мутафаккир тасаввуф назарияси ва амалиётига доир 13 та асар ёзган. Улар орасида “Ҳаётнома”, “Далилул ошиқийн”, “Адаб ас-солиқин” (“Муридлар одоби”) , “Насихат ус-солиқин” (“Муридлар учун насихат”) асарлари алоҳида аҳамиятга эга.¹⁶⁵

Профессор Г.Н.Наврўзова томонидан ҳазратнинг “Аврод” номли асари мавжуд эканлиги қайд этилди. Олима Г.Н.Наврўзова тадқиқоти “Аврод” асарининг қўлёзма нусхаси сақлангани ва бу асарга ёзилган яна иккита шарҳнинг мавжудлигини аниқлашга имкон берди.

Москвадаги “Наука” нашриёти Фанлар Академияси қошидаги Шарқшунослик институтининг Санкт-Петербург бўлимида сақланаётган қўлёзмалар ҳақидаги қисқа каталогини “Арабские рукописи института

¹⁶⁴ Абдулқаҳор Шоший. Авлиёлар китоби.Тошкент. Гафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2018. 32-33 бетлар.

¹⁶⁵ “Бухоро мавжлари” журнали хазинасидан. Етти пир ва етти авлиё. Бухоро. 2019. “Бухоро вилоят босмаҳонаси” МЧЖ нашриёти.89-90 бетлар.

Востоковедения Академия Наук СССР” номи билан икки қисмда нашр этди. Унинг биринчи қисмида 3464 ва 3465 тартиб рақамлари, В 3829 ва А 1539 шифр остида Баҳоуддин Муҳаммад Нақшбанд ал-Бухорийнинг (вафоти 791/1389) “Аврод” номли асари сақланаётганлиги кўрсатилади. Асар номи зикр этилганидан кейин А.Б.Холидов таълиф маъносини билдирувчи белгини қўйиб, “Аврод”нинг муаллифи Баҳоуддин Нақшбанд экашлигини таъкидлаган. Баҳоуддин Нақшбанд “Аврод” асарининг В 3829 шифр билан сақланаётган қўлёзма нусхаси 756-89а варақларида сақланган. Бу нусха хижрий 1287, милодий 1870/71 йилда Волга бўйида кўчирилган.

“Аврод”нинг А 1539-шифрли нусхаси 256-44а варақларда ёзилган қўлёзмада сақланмоқда.¹⁶⁶ “Аврод” калимаси араб тилидан олинган сўз бўлиб, “вирд” сўзининг кўплигидир. “Вирд” сўзининг маънолари бир нечадир, жумладан: манба, сув олгани бориш, дуо ва ибодатларга бағишланган кечанинг бир қисми, кечанинг бир қисмида урғони Каримдан ўқиладиган дуо ва зикрлар. Амалда эса Қуръони Каримдан такрорлаб юришга одатланилган бўлакка айтилади. Тасаввуфда эса кунда такрорлаб юришга одатланилган зикрлар, дуолар ва Қуръони карим суралари вирд дейилади.¹⁶⁷ Айни замонда “вирд”нинг тасаввуфий тушунча маъноси ҳам бор; шайх ва муридларнинг узлуксиз ўқиб юришлари шарт бўлган тиловат, зикр, тасбеҳ, дуо, саловот каби мажбуриятларни ўз ичига олган. Демак, “вирд” тушунчаси дуо тушунчасидан кенг бўлиб, асосий мақсад талаб этиш эмас, балки Аллоҳ ризолиги учун юкланган вазифаларни бажаришдан иборат экан.

Шўролар даврида йирик шайхлар таржимаи ҳоли, ирфоний-адабий меросини ўрганиш қатағон қилингани боис “Аврод”лар тўғрисида етарли маълумотга эга эмас эдик. Ҳолбуки машҳур шайхлар кўпчилигининг ўз “Аврод”лари бўлган. Бинобарин, ҳақиқат даражасига юксалган шахслар ўз муридларига илоҳий файзларни қабул қилиш йўлларини ўз авродлари орқали очиб берганлар. Шундан келиб чиқиб далил айтиш мумкинки. Рухий камолот пиллапояларидан кўтарилиб, муайян мақом-даражага етган Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанднинг ҳам ўз “Аврод”лари бўлган. “Аврод” тарк этмай узлуксиз бажариб туриш зарур бўлган вазифалар маъносини англатишини юқорида айтиб ўтдик. Баҳоуддин Нақшбанд

¹⁶⁶ Г.Н.Наврўзова. Баҳоуддин Нақшбанд.(Манбалар таҳлили).Тошкент. “Sano standart” нашриёти. 2019. 240-бет.

¹⁶⁷ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Нақшбандия. Вазифалар Зикрлар. Тошкент. “HILOL-NASHR” нашриёти. 85-бет.

“Аврод”и ҳам худди шу мавзуга багишланган бўлиб, Накшбандия тариқатига кирган солик юксак манзилга –Ҳаққа етиш учун мунтазам англаб, моҳиятига етиб, мушоҳада етиб ва қалб билан такрорлаб туриши зарур бўлган санолар, аллоҳнинг исмлари, зикр, тасбеҳ, Қуръон оятлари,, салавот ва дуолар тўпламидан иборатдир. Бинобарин, Хожанинг “Аврод”ини соликлар учун илоҳий файзни қабул қилиш мақсадида яратилган муборак “сарчашма” деб баҳолаш мумкин. ¹⁶⁸

Ҳазрат ўз асарини Аллоҳ Азза ва Жалла исмлари ва сифатлари билан У Зотни васф этиш билан бошлайди. Шунингдек, инсон мавжудотлар ичида энг мукаммал қилиб яратилганлиги ҳақида сўз боради. Демак, инсон бу оламда ўз ўрни, асл моҳияти, Аллоҳнинг ердаги халифаси эканлиги ва унинг барча сифат ва исмларини ўзлаштириб, куч-қудратини намоён этиш учун яратилганлигини билиши ва шунга мос амал қилиши керак. Инсон бутун оламни ўзида аке эттирган мукаммал зот эканлигини ва бу камолот даражасига етмоқ учун Аллоҳнинг олий, пок куч-қувватлари билан узвий боғланишда бўлиши зарурлиги уқтирилади. Мазкур рисолада Қуръони Каримнинг “Оли Имрон” сурасининг 26-27 оятлари, “Раҳмон” сурасининг 19-20-оятлари, “Бақара” сурасининг 255-оятлари, “Ғофир” сурасининг 1,2,3-оятлари, Пок Парвардигорга ҳамду сано, тасбеҳу таҳлиллар ва такбирлар келтирилган. Накшбандия тариқатида хуфёна зикр қабул қилинганлиги учун бу асар фақат тариқат аҳли орасида маълум бўлган ва уларнинг ўзига хос руҳий камолот йўлини кўрсатган.

Ҳазрат Шайх Баҳоуддин Накшбанд хуфёна зикр усуллари билан бирга сўфий такрорлаб юриши, қалбига накш этиши шарт бўлган “вирд”лар-Парвардигор номлари асосида ёзилган насрий муножот-изҳороти дилни баён этиб, яхлит тизимли асар яратганлар. Баҳоуддин Накшбанд таълимотининг моҳияти инсон ва унинг камолоти масаласидир. Ҳазрат “Аврод” асарида инсоннинг “шариф”, яъни мавжудотлар ичида энг мукаммал қилиб яратилганлиги ҳақида ёзади. Асарда Қуръони Каримда Аллоҳ Одамни яратар экан барча фаришталарни унга сажда қилишга буюргани, зеро У инсонни ўзининг ердаги халифаси, яъни ўринбосари сифатида яратгани ҳақидаги оятларининг моҳиятини очади. Демак, Баҳоуддин фикрича, инсон бу оламдаги ўз ўрни асл моҳиятини билиши лозим. Инсон Аллоҳнинг ердаги халифаси эканлиги ва унинг барча сифат

¹⁶⁸ Баҳоуддин Накшбанд. Аврод (тўлдирилган қайта нашр). /Изоҳ ва шарҳлар муаллифи ва таржимон ф.ф.доктори, проф.Г.Н.Наврўзова. Тошкент, “Sano standart” нашриёти. 2019. 43-44-бетлар.

ва исмларини ўзлаштириб, куч-қудратини намоён этиш учун яратилганлигини билиши ва шунга мос амал қилиши керак. Инсон бутун борлиқни ўзида ақс эттирган мукамал зот эканлигини ва бу камолот даражасига етмоқ учун Аллоҳнинг олий, пок куч-қувватлари билан узвий боғланишда бўлиши зарурлиги уқтирилади. Баҳоуддин Нақшбанд “Аврод”и Нақшбандия тариқатига кирган солиқ юксак манзилга –Ҳаққа етиш учун мунтазам англаб, моҳиятига етиб, мушоҳада етиб ва қалб билан такрорлаб туриши зарур бўлган санолар, Аллоҳнинг исмлари, зикр, тасбеҳ, Қуръон оятлари., салавот ва дуолар тўпламидан иборатдир. Ушбу кунларда мусулмон халқларининг ноёб дурдонаси бўлмиш “Аврод” асарининг Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд томонидан яратилган намунаси илмий - назарий жиҳатдан таҳлил қилиниши зарур бўлган асардир.

Баҳоуддин Нақшбанднинг бой илмий меросидаги инсон, инсоннинг руҳий камолоти, инсонийлик ҳақидаги гояларни манбашунослик нуқтаи назардан ўрганиш, таҳлил ва талқин қилиш, турли маънавий таҳдидлар диний экстремизм, ақидапарастлик, ахлоқсизлик, эгоцентризм мавжуд бўлган шароитда ёшларимизнинг маънавий иммунитетини шакллантириш борасида Баҳоуддин Нақшбанд асарларининг гояларини ўрганиш ва ундаги эзгу ахлоқий фазилатларни тарғиб этиш долзарбдир.

Демак, Баҳоуддин Нақшбанднинг ҳаёт йўли ва маънавий меросини ўрганиш, инсон камолоти ҳақидаги гоялари ва уларнинг ёш авлод тарбиясидаги аҳамиятини таҳлил этиш давр талаби. Мазкур асарни чуқур ва ҳар томонлама тадқиқ этиш, биринчидан, орифлик даражасига юксалган шайхнинг дунёқарашини ўрганишга имкон берса, иккинчидан, Нақшбандия таълимотини илмий ўрганиш учун замин яратади.¹⁶⁹

НОРОВА Малика Файзуллаевна
Бухоро Давлат Университети ўқитувчиси

¹⁶⁹ Баҳоуддин Нақшбанд. Аврод (тўлдирилган қайта нашр /Изоҳ ва шарҳлар муаллифи ва таржимон ф.ф.доктори, проф.Г.Н.Наврўзова. Тошкент. “Sano standart” нашриёти. 2019. 46-47-бетлар.